



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 27 май, № 106 (9001)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЖАҲОН ТРИАТЛОН ИТТИФОҚИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ РЕЖАЛАРИНИ ОЛҚИШЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Самарқанд шаҳридаги триатлон ва паратриатлон бўйича жаҳон кубоги доирасида мамлакатимизда бўлиб турган Бутунжаҳон триатлон иттифоқи раҳбари Антонио Фернандес Ариганини қабул қилди.



Ушбу нуфузли глобал ташилот билан мазкур спорт турини омалаштириш ва Ўзбекистонда миллий триатлон мактабини қўллаб-қувватлаш борасидаги амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Мамлакатимизда триатлон жадал ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Миллий федерация фаолият кўрсатмоқда, мунтазам равишда халқаро мусобақалар ўтказилмоқда, ўзбекистонлик спортчилар қитъа ва жаҳон рейтингларида ўз ўринларини мустаҳкамлаб бормоқда.

Спортчилар, мураббийлар, ҳакамлар ва спорт менежерларини тайёрлаш, замонавий инфратузилмани яратиш соҳасида ҳамкорликни янада ривожлантириш ва эксперт кўмаги дастурларини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ТЎҚИМАЧИЛИК, ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕБЕЛСОЗЛИК СОҲАСИДА ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 26 май куни маҳаллий саноатни ривожлантиришга қаратилган устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Бугун дунёдаги тебранишлар шароитида ҳар бир давлат, аввало, энг кўп иш ўринлари яратадиган соҳаларни ҳимоялаш чораларини кўрапти. Мамлакатимизда тўқимачилик, қурилиш материаллари, мебелсозлик ана шундай соҳалардир — уларда 1 миллионга яқин аҳоли ишламоқда.

Ўтган 4 ойда юртимизда саноат 6,3 фоиз ўсиб, 290 триллион сўмга етган. Экспорт 20 фоиз ошиб, 6 миллиард 350 миллион долларни ташкил этган.

Йиғилишда маҳаллий саноатни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Бу борадаги ҳолат туман ва тармоқлар кесимида таҳлил қилиниб, камчиликлар кўрсатиб ўтилди.

Масалан, тўқимачиликда 7 мингга яқин тадбиркорлар 500 дан зиёд турдаги маҳсулотлар чиқаряпти. Айримлари нуфузли брендларга кийим-кечак етказиб берапти.

Лекин кўпчилик сифатга ишлаётгани билан буни кўрсатиб бера олмапти. Ҳозиргача фақат 244 та корхонамизда халқаро сертификат бор ҳолос. Уларнинг ҳам катта қисми Тошкент ва водий вилоятларида бўлиб, бошқа ҳудудларда бармоқ билан санарли.

Ўзбекистон Президентининг Фармониغا кўра нафақат халқаро сертификат олиш, балки корхонани бунга мослаштириш харажати ҳам қўллаб берилиши белгиланган. Бундан фойдаланиб, имкониятларни тадбиркорларга етказиб, ҳар бир вилоятда халқаро сертификатга эга корхоналарни кўпайтириш вазифаси қўйилди.

Давлатимиз раҳбари бу борада муҳим ташаббусни илгари сурди. Ўзбекистонда Миллий брендларни қўллаб-қувватлаш компанияси ташкил қилинади. Унга хориждан бренд-менежер, дизайнер, маркетинглар жалб этилиб, миллий брендларимизни жаҳон бозорига олиб чиқишга кўмаклашилади. Халқаро сертификатли бор, рақобатбардosh маҳсулотларга сифат белгиси берилиб, дунёда кенг тарғиб этилади.

Давлатимиз раҳбари бу борада муҳим ташаббусни илгари сурди. Ўзбекистонда Миллий брендларни қўллаб-қувватлаш компанияси ташкил қилинади. Унга хориждан бренд-менежер, дизайнер, маркетинглар жалб этилиб, миллий брендларимизни жаҳон бозорига олиб чиқишга кўмаклашилади. Халқаро сертификатли бор, рақобатбардosh маҳсулотларга сифат белгиси берилиб, дунёда кенг тарғиб этилади.

Ўртимизда миллий маҳсулотлар бир жойда сотиладиган савдо марказлари йўқ. Шу боис энди ҳудудларда “Mall of Uzbekistan” мажмуалари барпо этилади. Улардаги савдо дўконлари тадбиркорларга минимал нархда ижарага берилади. Бундай марказлар ҳаридорларга кенг танлов имконини бериб, хорижий туристларга ҳам қулай бўлади.

Ҳозирги мураккаб шароитда ўзимизда бор хомашёни чуқур қайта ишлаб, қўшилган қийматни кўпайтириш — энг асосий масала. Шу мақсадда тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчилар учун факторинг тизими жорий қилинди, бунга 100 миллион доллар ажратилди.

Шунинг давоми сифатида, энди тўқимачилик корхоналари калава ипни факторинг асосида соддалашган тартибда сотиб олиш мумкин бўлади.

Маҳаллий саноатдаги яна бир салоҳиятли йўналиш — мебелсозлик. Бу тармоқда 7 минг 500 та корхона ишлаб турибди. Ўтган йилнинг ўзига 920 та янги корхона очилган. Соҳада 6 триллион 700 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланиб, 20 миллион долларлик мебелъ экспорт қилинган.

Тадбиркорларимиз бундан кўпига ҳам қодир. Шу мақсадда уйдаги хунармандликдан саноатлашган босқичга ўтиш истагида юрганлар анча.

Шу боис энди 5 нафаргача ишчи олганларга яқна тадбиркор сифатида мебелъ ишлаб чиқаришга рухсат берилади. Ушбу фаолиятни бошлаш, кенгайтириш истагида юрган ёш тадбиркорларга 7 йилга 5 миллиард сўмгача 18 фоизли кредит ажратилади.

Мебелчиликка ихтисослаштирилган Шароф Рашидов, Янги Наманган, Пастдарғом, Ўрта Чирчиқ, Қува, Бувайда, Юнусобод ва Ўчтепа туманларида Хонка тажрибаси асосида мебелчилик марказлари ташкил этилади.

Соҳадаги кичик бизнес вакиллари чет элдан материаллар олиб келишда қийналиши мумкин. Уларга бу борада кўмаклашиш, транс-

порт харажатларини енгиллатиб, хомашёни арзон етказиб бериш мақсадида ёғоч ва ёғоч материалларини марказлашган ҳолда олиб келиш ташкил этилади. Бунда монополияга йўл қўйилмайди, аксинча, бозорда танлов имконияти ошади. Тадбиркорлар нархи ва эҳтиёжга қараб ушбу арзонлаштирилган ёғочдан ёки бошқа таъминотчидан сотиб олиши ёки чет элдан ўзи келтириши мумкин бўлади.

Шунингдек, 14 турдаги хомашё, фурнитур, аксессуарлар учун 3 йил муддатга импорт божига 1 фоиз этиб белгиланади.

Экспорт фаолиятини рағбатлантириш мақсадида мебелчилик халқаро сертификат олиш харажатидаги ҳамда хориждан жалб қилган дизайнер, маркетинг, муҳандис-технологлар иш ҳақининг ярми қўллаб берилади. Халқаро кўргазмаларда ижара пули компенсация қилинадиган майдон ҳозирги 20 квадратдан 40 квадрат метрга оширилади.

Юртимизда азалдан кадрланган заргарлик бугун иқтисодиётда қўшимча драйвер бўлиши мумкин. Ўтган йили бу тармоқда ишлаб чиқариш 200 миллион доллардан ошган, экспорт 17 фоиз ўсиб, 92 миллион долларга етган.

Лекин бу йилга 100 тоннадан зиёд олтин қазиб олинмаган. Ўзбекистондаги имкониятларнинг ўндан бири ҳам эмас. Шу боис бу соҳада ҳам қўшимча енгилликлар белгиланади.

Энди заргарлар ҳам яқна тадбиркор сифатида тилла буюмлари савдоси билан шуғулланиши мумкин бўлади. Чет элдан мутахассис олиб келиш харажатидаги 2,5 минг долларгача қисми камида 5 нафар шоғирд чиқариш шарти билан қўллаб берилади.

Бу соҳада ҳам саноат усулига ўтиш ва миллий брендларни қўллаб-қувватлаш чоралари қўрилади. Хусусан, заргарликда ишлатиладиган ускуналар ва уларнинг бутловчи қисмлари импорт божидан озод қилинади. Навоий ва Олмалик кон-металлургия комбинатларидан олтинни бўлиб тулаш асосида сотиб олиш тартиби яна 3 йилга узайтирилади. Нуфузли брендлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиб, уларнинг дизайни ва қоплиғини олиб келиш харажатидаги 30 минг долларгача қисми қўллаб берилади.

Туркия, Дубай ва Миср тажрибаси асосида Тошкент, Андижон ва Хивада заргарлик марказлари очилди. Энди бундай мажмуалар бошқа ҳудудларимизда ҳам босқичма-босқич ташкил этилади.

Заргарларни хомашё билан барқарор таъминлаш учун бу йил биржага чиқариладиган олтин ҳажми 6 тоннадан 8 тоннага оширилади. Барча ҳудудларда олтин захираси яратилади.

Бунга жавобан тармоқда “яширин иқтисодиёт” улушини қисқартириш, қонуний фаолиятга рағбат чораларини қўллаш бўйича кўрсатмалар берилади.

Бунёдкорлик қўлами кенг бўлган юртимизда қурилиш материаллари талаб юқори. Ҳозирги кунда бу тармоқда 10 мингга яқин корхоналар фаолият юритмоқда. Эндиги муҳим вазифа сифат ва харидорчиликни таъминлаш.

Шу боис бунёдкорлик ишларида маҳаллий материаллардан кенгроқ фойдаланиш, девелоперларга айланма маблағ учун кредит ажратилиш орқали буни қўллаб-қувватлаш зарурлиги қайд этилди.

“Шаффоф қурилиш” платформасида қурилиш материаллари корхоналари реестрини ташкил қилиб, у орқали сифат рейтингини юритиш вазифаси қўйилди.

Маҳсулотлар таннархини туширишда энергия иқтисоди жуда долзарб. Шунинг учун энергия ва ресурс сарфаси юқори йўналишларни таҳлил қилиб, тежамкор инновацияларни қўллаш муҳимлиги қайд этилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддилар ва тадбиркорларнинг таклифлари эшитилди.

Ў.А.

Анжуман БАХТЛИ БОЛАЛИКНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ХАЛҚАРО ШЕРИКЛИК

Кеча пойтахтимизда “Мажбуриятдан ҳаракатга: болаларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш бўйича стратегия ва миллий истиқболлар” мавзuida конференция бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томонидан Олий Мажлис Сенати ва БМТнинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Унда давлат идоралари раҳбарлари, суд-хуқуқ тизими, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари, фуқаролик жамияти институтлари ходимлари, ёшлар, шунингдек, Марказий Осиё мамлакатларидаги хорижий давлатлар элчилари иштирок этди.

Конференция доирасида Ўзбекистон болаларга нисбатан зўравонлиқнинг барча шаклига барҳам беришга қаратилган халқаро “Богота харакатлар қаҳириги” ташаббусига содиқлигини расман тасдиқлади. Ушбу қадам сўнгги икки йил давомида мамлакатимизда болаларни ҳимоя қилиш йўналишида амалга оширилган кенг камровли хуқуқий ва институционал ислохотларнинг мантӣқий давомидир. Жумладан, жорий йил 15 майдан кучга кирган “Болаларни зўравонлиқнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун бу борадаги асосий норматив-хуқуқий ҳужжатлардан бири ҳисобланади.

Анжуманда Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш, хуқуқ ва манфаатларини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканини таъкидлади. “Болаларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш жамиятнинг бошқа қатламларида бўлган бошқа зўравонликни ҳам бартараф этишга ҳамда пировард натижада инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, қонуний манфаатлари сўзсиз таъминланишига олиб келаётганининг ҳамма гувоҳи бўлмоқда”, деди у.



Мулоҳаза ХАЛҚ ЕТАКЧИСИ ЁХУД ВАҚТ СИНОВИДАН ЎТАЁТГАН ИСЛОҲОТ ФАЛСАФАСИ

Сукут қилмаслик масъулияти

Кўз олдимизда тарихни яратаётган шахс бор. Аммо биз кўпинча бу улуғлиқни кўрамузга англай олмаёмиз, чин дилдан ҳис этмаймиз. Ваҳоланки, ҳар бир инсон учун ўзи яшаётган замонда халқнинг муаммоларини ҳал этиш, фаровонлигини таъминлаш учун кечаю кундуз меҳнат қилаётган етакчининг интилишларини теран англаш нафақат сиёсий бурч, балки инсонийлик талаби, қалб амридир.

Қарор қабул қилиш осон эмас. Айниқса, ҳар куни халқ тақдирига дахлдор юзлаб қарорларни қабул қилиш учун кишидан катта жасорат, ҳақиқий раҳнамолик салоҳияти талаб этилади. Чунки ҳар бир қарор ортида инсон тақдири, бир оила шодонлиги, бир юракнинг умиди, ишончи яширинган.

Етакчи бугун яқинимизда. У киши суратда эмас, халқ қалбининг ичидадир. Унга қараб турган кўзлардан кўра уни ҳис эта-

ётган юраклар сони муҳимроқдир. Чунки у инсон фақат сиёсий шахс эмас, балки миллат учун етишган тарихий зарурат, халқ орзусининг амалий ифодаси ҳамдир.

Баъзи шахслар бор, улар фақат сиёсатда эмас, миллат тафаккурида яшайди. Уларнинг ҳаётидаги ҳар бир одим, ҳар бир ташаббус тарих учун кичкина, аммо халқ учун улкан маъно касб этади.

У киши “мен етакчиман” деб эмас, балки “мен халқ биланман” дея яшайди. Шу боис ҳам уни тан олиш эмас, уни ҳис этиш керак. Чунки халқнинг юраги гувоҳлик берадики: у элнинг энг оғир юқини елкасига олган, халқнинг энг узоқ умидини қалбига жойлаган инсондир.

Лекин нега шундай етакчи ҳақида кўпроқ гапирилаётгани йўқ? Шоирлар, ёзувчилар, зиёлилар, амалдорлар — улар халқ сўзининг, юрт дардининг овози бўлиши керак эди. Афсуски, аксарияти сукутда.



Ўзбекистон — Япония: ИККИ ТОМОНЛАМА АЛОҚАЛАР ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ

19 — 24 май кунлари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов бошчилигидаги делегация Японияда расмий ташриф билан бўлди.

Парламент дипломатияси

Ташриф давомида бир қатор икки томонлама, жумладан, Япония парламенти Вакиллар палатаси Спикери Фукуширо Нүкага, Япония парламенти Маслаҳатчилар палатаси Раиси Масаказу Секигучи ва бошқа расмийлар билан учрашувлар ўтказилди.

Уларда Ўзбекистон — Япония муносабатларининг ҳозирги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари, хусусан, парламентларо ҳамкорликни кенгайтириш, янги мазмун билан бойитиш, қонун ижодкорлиги соҳасида ўзаро тажриба алмашишни фавқлаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Сўнгги йилларда давлат раҳбарла-



рининг саъй-ҳаракатлари билан икки томонлама ҳамкорлик сифат жиҳатдан юқори босқичга кўтарилгани, олий даражадаги келишувлар самарали амалга оширилаётгани, парламентлар, ҳукуматлар ва идоралар ўртасида сермаҳсул алоқалар йўлга қўйилгани алоҳида қайд этилди.



Сиёсий партиялар фракцияларида ИНСОН МАНФААТЛАРИ ВА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯСИ КАФОЛАТИ

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда қуйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилган қатор қонун лойиҳалари атрофлича кўриб чиқилди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига мувофиқлини баҳолаш органларининг масъулиятини янада ошириш ҳамда маҳсулотларни ўз ихтиёри билан қақириб олган тадбиркорларга енгиллик беришга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокама маркази бўлди.

Кейинги йилларда мувофиқлини баҳолаш жараёнларида замонавий усулларни жорий этиш бўйича кенг қуламли ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур соҳада истеъмолчиларнинг

ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилишга қаратилган талаблар кучайтирилди. Шу билан бирга, мувофиқлини баҳоловчи органлар томонидан соҳада қандайдозликларнинг ортб бораётгани мувофиқлини баҳолаш қоидаларини бузганлик учун таъсир чораларини кучайтириш заруратини кўрсатмоқда.

Ушбу қонун лойиҳаси билан Фуқаролик кодекси ҳамда “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Стандартлаштириш тўғрисида”ги, “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги қонунларга тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Фракция аъзолари қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти

ҳақида алоҳида тўхталиб, унда назарда тутилётган айрим нормалар бўйича қонун ташаббускорларига аниқлаштирувчи саволлар беришди. Мунозаралар ва узоқ давом этган савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Йиғилишда “Давлат мулкни хусусийлаштириш соҳаси тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг муҳокамаси ҳам қизғин кечди.

У билан 13 та қонун ҳамда Ер, Солиқ кодексларида давлат активларини хусусийлаштириш ва ижарага беришни соддалаштириш, соҳада тадбиркорларга қулай шaroитлар яратишга қаратилган ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилмоқда.

Йиғилишда кун тартибига киритилган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.



Учрашув

КУН ТАРТИБИДА – СИФАТЛИ ТАЪЛИМНИ МУСТАҲКАМЛАШ МАСАЛАСИ

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) ижрочи директори Кетрин Рассел билан учрашди.

Сўхбат чоғида Ўзбекистон ва ЮНИСЕФ ўртасида бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш, она ва бола саломатлигини сақлаш, инклюзив ва сифатли таълимни жорий этишга қаратилган ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масалалари атрофида муҳокама қилинди.

Имконияти чекланган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, инклюзив лойиҳаларни амалга ошириш, соҳада кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИГА ЭРИШИШ – ЭЪТИБОР МАРКАЗИДА

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева БМТ Бош котиби ўринбосари, БМТ Тараққиёт дастури администратори ўринбосари Холян Сой билан учрашув ўтказди.

Сўхбат давомида Ўзбекистон ва БМТ Тараққиёт дастури ўртасидаги амалдаги ҳамкорликка юқори баҳо берилди. Бугунги кунда мамлакатимизда умумий қиймати 163 млн. АҚШ долларидан зиёд 43 та лойиҳа амалга оширилаётгани таъкидланди. Бу эса минтақа мамлакатлари орасида энг катта кўрсаткичлардан биридир.

Мазкур лойиҳалар ёшларнинг рақамли саводхонлигини ошириш, хотин-қизларни иқтисодий қўллаб-қувватлаш, соғлиқни сақлаш тизимини модернизация

ДЎСТЛИК ВА ЎЗАРО ҲАМЖИҲАТЛИК ЙЎЛИДА

Парламент юқори палатаси раҳбари Танзила Норбоева Меросни муҳофиза қилиш халқаро альянси — AIPN Кенгаши раиси, Франция Президентининг маслаҳатчиси Бариза Хиари билан учрашди.

Сўхбат чоғида Ўзбекистон ва Франция ўртасида икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш, маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорликни чуқурлаштириш истиқболлари муҳокама марказида бўлди. Санъат, маданиятлараро мулоқот ва тарихий-маданий меросни асраб-авайлаш борасида қўшма ташаббусларни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Янги реставрация ташаббуслари, ёшлар ва волонтерларни меросни асраб-авайлашга жалб қилиш дастурлари, шунингдек, мутахассисларнинг касбий даражасини оширишга қаратилган қўшма лойиҳалар орқали ҳамкорликни кенгайтириш истиқболларига ургу берилди.

Учрашув доирасида юқори

БАХТЛИ БОЛАЛИКНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ХАЛҚАРО ШЕРИКЛИК

Бундан ташқари, яқинда Тошкентда бўлиб ўтган Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеясида иштирок этган БМТ Бош котибининг махсус вакили Наҳат Маала бутун дунё парламентларини зўравонликка қарши қонунчилик саъй-ҳаракатларини бирлаштиришга чакирди: “Бундан кейин ҳам парламентлар, ҳукуматлар, нодавлат ташкилотларининг фаолиятида, шунингдек, минтақавий ва халқаро платформаларда ушбу масалани доим илгари суришимиз лозим”.

Тадбир сўзга чиққан ЮНИСЕФ ижрочи директори Кэтрин Рассел Ўзбекистоннинг болалар хавфсизлигини таъминлаш борасидаги сиёсатини юксак баҳолаб, 2025 — 2035 йилларга мўлжалланган кўп тармоқли стратегия ва ҳаракатлар режасини қабул қилишини муҳим босқич бўлишини ало-

ҳида таъкидлади. Мазкур стратегия зўравонликка қарши курашишда тизимли ва барқарор ёндашувни шакллантиришга хизмат қилади.

Шунингдек, Ўзбекистон “Pathfinding Global Alliance” — Болаларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш йўллари-ни излаш глобал иттифоқига қўшилиб, Марказий Осиё давлатларини болаларга нисбатан зўравонликка қарши курашишда янада фаол ҳамкорликка чакирди.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директорининг биринчи ўринбосари Шахноза Мирзиёева ўз нутқида: “Барча болажонларни ёвузликлардан асраш — биз эришишимиз лозим бўлган энг олий мақсад. Зулмга барҳам бериш — фақат ҳуқуқий эмас, инсоний бурчимиздир! Чунки болаларнинг беғонаси бўлмайди. Болалар азобига ўрин йўқ! Бугун болажон-

ларимизнинг овозини тинглай олиш ҳар қачонгидан ҳам долзарб. Биз барчани “митти қалбларнинг катта оғриқлари”га қулоқ солиш, уларга гапиришга имкон беришга чорлаймиз!”, дея қайд этди.

Тадбир доирасида болаларни ҳимоя қилишга қаратилган кўп тармоқли стратегия ва Миллий ҳаракатлар режасининг тақдими, “Ҳаққим бор” номли қисқа метражли фильм намойиши ҳамда “Богота ҳаракатлар чакирғи” доирасидаги миллий мажбуриятларни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Мазкур тадбир Ўзбекистоннинг болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги қатъий сиёсий иродаси, халқаро ҳамкорликка тайёрлиги ва миллий даражадаги кенг қамровли ислохотларни давом эттиришга содиқлигини яна бир бор намоён қилди.

«Халқ сўзи».

МАДАНИЯТ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИ САРҲИСОБИ

Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси О. Қози-хонова бошчилигидаги ишчи гуруҳ “Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида”ги Қонуннинг Қашқадарё вилоятида ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар ҳолатини ўрганмоқда.

Сенаторлар — ҳудудларда

Маълумотларга кўра вилоятда маданият бошқармаси, 16 та туман ва шаҳар бўлими, 2 та давлат театри, Ўзбек миллий маком маркази, Ўзбекистон давлат филармонияси, “Ўзбеконцерт” давлат муассасаси бўлимлари, кўзи оқизлар учун махсус кутубхона, шунингдек, 60 та маданият маркази ва 25 та болалар му-сика ва санъат мактаби фаолият юритмоқда.

Ишчи гуруҳ ушбу маданият

норматив ҳужжатлар ва уларнинг ижроси, маданият ҳамда санъатни ривожлантиришга доир ҳудудий мақсадли дастурлар, шунингдек, маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши мониторинг қилинди. Бундан ташқари, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ишларга алоҳида эътибор қаратилди.

Сарҳисоб натижалари халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари, мутасадди вазирилари ва идоралар ҳамда уларнинг ҳудудий бошқармалари раҳбарларни иштирокида Сенат қўмитаси мажлисида муҳокама қилинади.

Ишчи гуруҳнинг ушбу йўналишдаги фаолияти давом этмоқда.

«Халқ сўзи».

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ИШЛАРИ КУЧАЙТИРИЛАДИ



Олий Мажлис Сенатида “Маҳаллий Кенгашлар томонидан коррупцияга қарши курашиш масалалари: устувор вазифалар” мавзусида маҳаллий Кенгашлар учун семинар ташкил этилди.

Семинар

ва ОАВ вакиллари иштирок этди. Семинарда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ҳудудларда коррупцияга қарши курашиш масалалари юзасидан саҳаларий фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда уни амалга ошириш тартиб-таомиллари ва механизмлари таҳлил қилинди.

Давлат органлари ва ташкилотларининг ҳисобот (ахборот)-

ларини эшитиш, маҳаллий бюджетни тасдиқлаш ва унинг ижросини назорат қилиш ҳамда маҳаллий Кенгашларининг қонун ижодкорлиги фаолиятида коррупцияга қарши курашиш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилди. Айниқса, бу борада маҳаллий Кенгашларининг коррупцияга қарши курашишга оид фаолиятини ахборот-таҳлилий ва ташкилий жиҳатдан таъминлаш маҳаллий Кенгаш котибати томонидан амалга оширилиши, зарур ҳолларда улар ҳужжатлар, ушбу

Ўзбекистон — Япония: ИККИ ТОМОНЛАМА АЛОҚАЛАР ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ

Ўз навбатида, Ф. Нукага Ўзбекистон Япония учун ишончли стратегик ҳамкор эканлигини таъкидлаб, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг миқёсли ислохотларни ижобий баҳолади.

Унинг фикрича, “Ўзбекистон — Япония алоқалари кейинги йилларда тобора фаоллашиб, ривожланиб бормоқда ва бунда Президент Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси ва ташаббуслари муҳим ўрин тутади”.

Ўзбекистон делегациясининг Япония парламенти Маслаҳатчилар палатаси Раиси Масаказу Секигучи билан мулоқоти бўлиб ўтди.

Учрашувда кейинги йилларда Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётгани, парламентлараро алоқалар икки мамлакат парламентлари вакилларининг ташрифлари орқали мустаҳкамланаётгани мамнуният билан қайд этилди.

М. Секигучи сўнгги йилларда икки томонлама алоқалар жонланганлигини таъкидлар экан, ўзаро тажриба алмашув майдонини кенгайтириш, парламентлараро дипломатиядан янада самарали фойдаланиш муҳимлигини билдирди. У Осакадаги “ЕХРО — 2025” кўргазмасида Ўзбекистоннинг муносиб даражадаги иштирокини алоҳида мамнуният билан қайд этди.

Делегация аъзоларининг Япония Вазирилари Махкамаси Бош котиби Ёшима Хаяши билан учрашув ҳам бўлиб ўтди. Мулоқот давомида мамлакатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий, инвестициявий ҳамкорлик, таълим, туризм ва бошқа соҳалардаги алоқалар кўламини янада кенгайтириш масалалари хусусида фикр алмашилди.

Ташриф доирасида делегация аъзолари бошқа расмийлар билан ҳам учрашувлар ўтказди. Шунингдек, Япония парламенти қўйи палатасининг фаолияти, тузилмаси, қонунчилик жараёнининг ўзига хос хусусиятлари, Хиросима шаҳри университети ва тиббиёт клиникаси фаолияти билан яқиндан танишди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов бошчилигидаги парламент делегациясининг Японияга ташрифи доирасида “Ўзбекистон — Япония” парламентлараро форуми ўтказилди.

«Халқ сўзи».

ИНСОН МАНФААТЛАРИ ВА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯСИ КАФОЛАТИ



Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси йиғилишида “Миграция жараёнларини бошқариш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан Миграция агентлиги Ўзбекистондан ташқарида иш қидираётганларни ишга жойлаштириш бўйича фаолиятни лицензиялаш, лицензия талаблари, шартларига риоя этилишини назорат қилиш борасида ваколатли орган этиб белгиланмоқда ва унга хусусий бандлик агентликлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганлиги учун маъмурий таъсир чораларини қўллаш ваколати берилляпти. Ташқаридан иш қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича кўрсатилган ҳизматлар учун тўловларни иш берувчидан ёки бююртмачидан ундириш тартиби бекор қилин-

моқда. Ўзбекистондан ташқаридаги ишга жойлаштириш бўйича ҳизматлар учун ҳақ ундириш борасидаги тақиқ олиб ташланяпти.

Хусусий бандлик агентликларининг моддий-техника базаси ва улар раҳбарларининг малакасига талаблар белгиланмоқда. Шунингдек, Миграция агентлиги зиммасига хусусий бандлик агентликлари фаолиятини баҳолаш мезонларини белгилаш ва уларнинг рейтингини тузиш, хусусий бандлик агентликлари ҳодимлари учун одоб-ахлоқ қоидаларини жорий этиш каби вазифалар юклатилмоқда.

Лойиҳани тайёрлашда Сингапур, Вьетнам, Хиндистон, Филиппин каби давлатларнинг хусусий бандлик агентликлари-ни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ўрганиб чиқилгани ҳамда миллий қонунчиликка мос келадиган нормалар қисман инобатга олингани таъкидланди.

Фракция аъзолари ушбу ҳужжат ҳо-рихда вақтинча меҳнат фаолиятини

амалга ошириш истагида бўлган Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, миграция соҳасида соғлом рақобатни шакллантирган ҳолда унга хусусий секторни янада кенгроқ жалб этиш, кўрсатиладиган ҳизматларни рақамлаштиришга хизмат қилишидан келиб чиқиб лойиҳани қўллаб-қувватлади.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси йиғилишида депутатлар “Ижро иши бўйича кафолат маблағларини киритиш инсти-туту жорий этилиши муносабати билан “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳуж-жатларини ижро этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгариштирилган киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасини кўриб чиқди.

Айтилганидек, лойиҳа билан мамла-катимиз қонунларига бир қатор муҳим ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилмоқ-да. Жумладан, “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунга мулкий тусдаги суд ҳужжати бўйича мажбуриятларнинг бажа-рилишини мажбурий ижро органининг депозит ҳисобварағига пул маблағлари-ни ўтказиш йўли билан таъминлашга, яъни ижро иши бўйича кафолат маблағларини киритиш орқали амалга оширишга оид нормалар киритилмоқда. Бунда ижро иши бўйича кафолат маблағларини киритиш ижро иши юритишни тўхтатиб туриш, қарздорга ва унинг мол-мулкига нисба-тан қўлланилган чекловларни бекор қилиш учун асос бўлиши назарда тутилляпти.

Йиғилишда қайд этилганидек, ушбу қонун лойиҳаси суд қарорлари ўз фойдаси-га қабул қилинган шахсларнинг қонуний манфаатларини ҳамда суд қарорларининг сўзсиз ижро этилишини таъминлашга хизмат қилади.

Мунозаралар давомида фракция аъзо-лари қонун лойиҳаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Савол-жавоб-лар ва билдирилган фикрлардан сўнг ушбу ҳужжат депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси йиғилишида иш вақтидан ташқари иш учун ҳақ тўлаш ва унинг давомийлигини соддалаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси кўриб чи-қилди.

Фракция аъзолари бугунги кундаги реал вазиятдан келиб чиқиб ишчи-хо-димларнинг ҳуқуқлари ҳимоясини кучай-тириш, иш вақтидан ташқари ишланган давр учун адолатли ҳақ тўлаш маса-лаларига алоҳида эътибор қаратишди.

Иш берувчилар ва ҳодимларга қўшим-ча қулайликлар яратиш мақсидида қонунчилик ҳужжатларини янада тако-минлаштириш зарурати юзага келаётга-ни алоҳида таъкидланди.

Лойиҳага кўра эндиликда иш вақти-дан ташқари ишининг бир кунда биринчи икки соати учун каммида бир ярим, икки соатдан ортиқ қисми учун каммида икки ҳисса миқдорда (меҳнат шaroитлари ноқулай бўлган ишларда — ҳар бир со-ати учун каммида икки ҳисса миқдорда) ҳақ тўлаиши белгиланиб, ишчиларнинг манфаатлари билан боғлиқ нормалар янада аниқлаштирилмоқда. Амалда икки ҳисса миқдорда ҳақ тўлаш белгилан-ган, аммо миқдорнинг юқорилиги уни таъминлашни қийинлаштириб келаётга-ни айтилди.

Шунингдек, амалда ҳодимни бир йил ичиди 120 соатдан ортиқ иш вақтидан ташқари ишга жалб этиш мумкин эмас-лиги ҳақида меъёр бор, аммо халқаро ва хорижий тажрибада бу меъёр кўпроқ-

лиги ҳисобга олиниб, эндиликда меъёр икки кун давомида тўрт соатдан ошмас-лиги белгиланмоқда.

Фракция аъзолари иш вақтидан ташқари меҳнатга жалб қилиш ва бунинг учун оширилган тартибда ҳақ тўлаш амалиёти ҳақида ташаббуслорларга бир нечта саволлар беришди. Мутасаддилар томонидан депутатларнинг саволларига батафсил тўшунтириш берилди. Қўзғин муҳомададан сўнг қонун лойиҳаси депу-татлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Фракция йиғилишида миграция ва унинг қонуний асосларини янада тако-минлаштиришга қаратилган қонун лойи-ҳаси ҳам муҳокама этилди.

Унга кўра хусусий бандлик агентли-кларига хорижда вақтинча меҳнат фаоли-ятини амалга ошириш истагида бўлган фуқароларни қасб-хунарга ва чет тиллар-га ўқитиш бўйича ўқув курсларини таш-кил этиш ҳамда ушбу жараёнга ҳамкор ҳорижий иш берувчиларни жалб қилиш ҳуқуқини бериш назарда тутилмоқда.

Депутатлар қонун лойиҳасига крити-лаётган шу ва бошқа ўзгаришлар ҳамда қўшимчаларни эътироф этган ҳолда уни қўллаб-қувватлашди.

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси йиғилишида мувофиқлини баҳолаш органларининг масъулиятини янада ошириш ҳамда махсуслотларни ўз ихтиёри билан қажириб олган тадбир-корларга енгиллик беришга қаратилган қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан Фуқаро-лик кодекси, “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Стандартлаштириш тўғрисида”ги ва “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўри-сида”ги қонунларга мувофиқлини баҳо-лаш органлари масъулиятини ошириш

ҳамда тадбиркорлик субъектларини те-гилиги талабларга номувофиқ бўлган мах-сулотларни ўз ихтиёри билан савдодан қажириб олишни рағбатлантиришга қар-атилган ўзгаришлар ва қўшимчалар ки-ритилмоқда.

Йиғилишда фракция аъзолари қонун лойиҳасининг аҳамиятига алоҳида тўхта-либ, унда белгиланаётган айрим норма-лар бўйича ўз фикр-мулоҳазалари, так-лиф ва тавсияларини билдирди. Берил-ган саволларга қонун ташаббускорлари томонидан батафсил тўшунтириш бериб ўтилди. Мўҳомадан сўнг қонун лойи-ҳаси фракция аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.

Шунингдек, иш вақтидан ташқари иш учун ҳақ тўлаш ва унинг давомийлигини сод-далаштиришга доир ўзгариштирилган ки-ритилмоқда. Хусусан, иш вақтидан ташқари ишга ҳодимни жалб этиш йилгига бир юз йигирма соатдан ошмас-лиги кераклиги ҳақидаги норма Меҳнат кодексидан чиқариб юборилмоқда. Шу-нингдек, иш вақтидан ташқари ишининг бир кунда дастлабки икки соати учун ка-мида бир ярим, икки соатдан ортиқ қисми учун каммида икки ҳисса миқдор-да ҳақ тўлаиши белгиланмоқда.

Қонун лойиҳаси юзасидан бир қатор саволлар ўртага ташланди, тегишли так-лиф ва тавсиялар билдирилди. Қонун та-шаббускорларидан атрофлича жавоб олинган, лойиҳа қўллаб-қувватланди.

«Халқ сўзи».

«Гендерга йўналтирилган сиёсат ва бюджетларни илгари суриш: Ўзбекистонда шаффоф, инклюзив ва ҳисобдор бошқарув сари» лойиҳаси расман ишга туширилди.

ХАЛҚ ЕТАКЧИСИ

ЁХУД ВАҚТ СИНОВИДАН ЎТАЁТГАН ИСЛОҲОТ ФАЛСАФАСИ

Бобомиз Темур бу таъкиди билан гувоҳлик қилиш масъулиятини қалам аҳли зиммасига юклармоқда. “Етакчи ўз вазифасини адо этади, лекин уни миллатга танитиш зиёлилар вазифасидир,” деб бежизга айтмаган эди.

Шу маънода **Мустафо Камол Ота турк** ҳам шундай деган эди: **“Миллатнинг идроки қаламнинг қалб билан ёзган сўзида намоён бўлади. Агар зиёлилар сукут қилса, етакчининг буюклиги ҳам сукунат-га ботади”**.

Бу иборалар шунчаки фикр эмас, **зиёли ва қалам аҳли учун тарихий масъулиятнинг энг теран ифодасидир**. Агар қалам сўзламаса, тарих ҳам гувоҳлик қилмайди.

Шунинг учун бугун сўз айтиш мажбурият эмас, **виждон амридир**. Бугун ёзиш улуғлики кўрсатиш эмас, балки **миллатнинг қалбини уйғотишдир**.

Аммо **биз сукутдамыз**. Сўнгги тўққиз йилда миллат етакчиси халқимиз учун нималарни амалга оширди? Фармонлар чиқди, ислохотлар бошланди, мактаблар, мадрасалар, масжидлар, шифохоналар қурилди, инсон ҳуқуқлари қафолатланди. Ҳар бир одам ҳаётида бир ислохотнинг таъсири бор. Лекин... шукронани ифода этган сатрлар қани, улар қаерда?

Бу сукут адолат эмас. Бу сукут ношукрликнинг энг яққол кўриниши десак, муболага бўлмайди.

Биз шунча яхши ўзгаришлар бўляпти, деб қайд қиламиз. Аммо қайси бири учун қалбдан сўз айта олдик? Ҳарон охириги марта **“бу иш ортида турган инсон ким?”** деб ўйладики? Афсуски, ўйламаппмиз.

Қачон унинг юзлаб қарорлари, минглаб ташаббуслари ортидаги огрик, эл тақдири, кечасиз кунлар ҳақида фикр қилдик? Ёки биз уҳлаганимизда, у киши уйғоқ бўлишини, ўз халқи, миллати, унга ишонган миллионлаб қалблар ташвиши сабабли тонг оттиришини ҳис эта оламизми?

Тўғри, баъзи етакчилар тарихда қолади. Баъзилари эса миллат қалбидан ашайди. Биринчисига ҳайкал қўйилади. Иккинчиси эса халқ қалбидан абадий жой олади.

Шунинг учун ҳам биз сукут қилмаслигимиз керак. Чунки бугун унга таъриф керак эмас. Унга халқнинг ҳисси, қалбнинг миннатдорлиги керак. Акс ҳолда, бугунги сукут эртанги куннинг кўз ёшига айланиши мумкин.

Миллатнинг нидоси — етакчини англаш оҳангида

Баъзан миллатнинг овози кўринмайди. У на овоз кучайганда эшитилади, на сукут чуқурлашганда. Миллатнинг овози унинг қалбидаги нидо, **унинг** англаш салоҳиятидаги ойдинликдир.

Бу нидо ҳеч қандай фармон билан чиқмайди. У шахсий манфаат эмас, миллат тақдири учун жон куйдирадиган етакчининг амаллари, қарори, қиёфаси орқали шаклланади. Ушбу нидо миллат қалбидан уфққа томон тинибгина кўтарилади, у беварқ юрта эмас, ҳиссиётли жонли, қалбан тирик эллардагина ашайди.

Бугунги кунда миллатимиз қалбида шундай бир огрик яширинганки, у баён қилинмаган севгига, анганмаган меҳрга, миннати айтилмаган фидокорликка айланган. Бу огрик тарихий етакчини ҳис этмаслик огригидир. Бу инсониятнинг энг огрикли ҳолати: жон куйдираётганини кузатиш, лекин миннатдорлик билдирмаслик ҳолатидир.

Миллат фақат эргашмаслиги керак, у англаш салоҳиятига ҳам эга бўлиши лозим. Чунки ҳар бир анганмаган етакчи келажақда афсуслар, “қани энди...” деган нолалар сабабчисидир.

Назаримизда, бугунги шукроналикнинг энг олий ифодаси бу — **англашдир**. Етакчини тўғри тушуниш, унинг қалбидаги ният ва юрагидаги халқ дardини ҳис қилиш — бу шунчаки сиёсий тарғибот эмас, **мафқуравий маданиятнинг бошланғич нуктаси ҳисобланади**.

Биз, афсуски, баъзида “бор-йўқ”ни ҳеч қандай тарозисиз баҳолаётгандаким миллатга айланб қолаётгандекмиз. Нима борлигини ҳис этмасдан, нима йўқ бўлса, шуни талаб қилишга одатланиб қолганмиз.

Бир пайтлар халқлар ўз етакчиларини улуғлаш учун ҳикматлар тўқир эдилар. Чунки улар ҳимоясиз, адолатсиз, ҳақоратлар ичида яшаган элни қадри қадр сари етаклаган эдилар. Бизда эса етакчи меҳр қўйган юрта меҳр қайтарилмаётганини кўриш аламли.

Бу ношукрлик эмас, балки англаш маданиятининг заифлигидир. Бизга бугун олисдан қараб эмас, юракдан туриб қараш керак. Миллатни нафақат

бошқарувда, балки қалбда ҳис этган етакчини қалб билан қабул қилиш маданияти етишмаётгандек гўё.

Халқимизда “манфаат бор жойда муҳаббат ҳам бор” деган бир нотўғри руҳ шаклланаётгандек. Аммо халқ — манфаат билан эмас, **фидокорлик билан боғланган етакчини** англаганида маънавий тикланиш бошланади.

Бизнинг халқ, аслида, чин юракдан ардоқлашни билади. Лекин у бундай ҳисни билдиришга камдан-кам уринади. Ҳис этилади, лекин айтилмайди. Бу миллий характер, аммо бу характерни бошқариш ва янгилаш зарур. Чунки биз ўз тарихий етакчимизга нисбатан сукутда бўлсак, бундан тарих зарар кўради. Биз бугунги англаш имконини бой берсак, эртанги кун ўтмишни айблайди. Шунинг учун халқнинг қалбидаги энг аниқ оҳанг, англаш оҳангидир. У севги билан эмас, масъулият билан тўла. У мадҳ этиш билан эмас, ҳақиқатни билиш ва тан олиш билан яралади.

Шунинг учун инсонпарвар етакчини қадрлаш бу сиёсий макъа эмас, балки миллий тафаккурнинг ёруғ кўзгуси ҳисобланади. Ана шу кўзгунини тиклай олиш эса биздан огир маънавий курашнинг талаб қилмоқда. Аммо биз жиммиз.

Етакчи ким? Фақат сиёсий шахс эмас...

Етакчи фақат фармон берувчи эмас, балки ўзини фидо этиб қарор қабул қилувчи инсондир. Унинг ҳар бир қарори ортида қонун эмас, халқ дardи, эл тақдири, миллионлаб юраклар тақиллаётган дарча бор.

Етакчи, ўз номи билан, олдинда боради. Аммо у ҳеч қачон “мен кетаётган йўл тўғри” деб айтмайди. У халқ томон қараб, **“менинг ортимдан келманг, мен сизнинг оқангизданман”** деган ботинини ифода этади. Чунки у эл билан ёнма-ён, елкама-елка яшамокда.

У “мен” демайди, у **“миллат” деб фикрлайди**. Унинг нутқида мен деган калима кам, лекин халқ деган сўз жуда кўп. Унинг қалбида шахсий манфаатга жой йўқ — у бутун борлиги билан элга хизматга бағишлаган.

Ҳар бир ташаббусининг замирида халққа муҳаббат, элга садоқат, келажақ авлодга масъулият мўжассам. У ишончини сўрамайди балки амаллари орқали уни халқ қалбидан олади.

Дунёда шундай етакчилар борки, улар ҳуқуқий асосда лавозимга келади. Баъзи етакчилар эса қалб билан миллат руҳига жойлашади.

Мана шундай етакчи бугунги замонда давлат раҳбари эмас, **миллатнинг маънавий устуни**, тафаккурга етакловчи, юраклардан нур сочадиган шахсга айланади. Чунки у ҳар бир инсоннинг dardини эшитади. Эшитибгина қолмайди — **у dardни юрагида қайта сўриб, қарорга айлантиради**. Шунинг учун ҳам у раҳбар эмас, балки **қалбларнинг кўзгуси**. У ҳокимият учун эмас, эл учун яшаётган тимсолдир.

У шон-шараф учун эмас, масъулият учун жон куйдиrhoқда.

У давлатни бошқаришнинг шахсий куч билан эмас, халқнинг юраги билан адо этмоқда.

У олий минбарлардан эмас, маҳалалар, кўчалар, мактаблар, шифохоналар, кишлоқлар орасида халқ билан нафас олмақда.

Мана шундай етакчининг улуғлиги унинг шунчаки ривожланиш рақамларида акс этмайди. Унинг тимсоли ҳар бир фуқаро ҳаётидаги кичик, аммо юракдан чиққан ўзгаришлар орқали намоён бўлади.

У халқ олдида маъруза қилмайди, балки амали билан халқ юрагида сўзлайди.

“Фақат у амал қилган, биз сукут қилганмиз...”

Тарихда баъзи рақамлар борки, уларнинг миқёсидан кўра, мазмун юракка таъсир қилади. Бу рақамлар — шунчаки статистика эмас, айни вақтда давлатнинг қалбидаги масъулиятнинг сояси ҳамдир. Улар ҳар бир оиланинг, ҳар бир инсон тақдирининг юмшоқ, лекин теран аксидир.

Эслайлик, 2016 — 2025 йиллар, бу мамлакатда ўзгаришлар юз берган давр эмас. Бу, давлат ва жамиятнинг қайта туғилган, **инсон қаdри сиёсий фалсафасга айланган** даврдир. Шу сабабли бугунги ўзгаришларни тўлиқ ҳис қилиш учун биз, аввало, савол бермоғимиз лозим:

“Давлат нима учун ўзгарди? Ва бу ўзгариш ким учун эди?” Жавоб фақат бир сўзда яширин: **инсон учун**.

Инсон қаdри — барча ислохотларнинг юраги.

Янги Ўзбекистон ислохотларининг

энг олий концепцияси — **инсон қаdрини давлат сиёсатига айлантириш** бўлди. Илгари “давлат учун фуқаро” бўлса, энди “фуқаро учун давлат” таъмоили ҳукм сурмоқда.

Бу ўзгариш ҳеч бир фармон билан эмас, қалб амри билан амалга оширилди.

Бугун жонажон янги Ўзбекистонда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаро борки, халқ билан давлат ўртасидаги масофа қисқарганини сезмай иложи йўқ. Мамлакат етакчиси бошлаган ислохотлар ва ташаббуслар натижасида халқ нафақат тингланди, балки унга инсон қаdри призмаси асосида ёндашишлик қатъий белгиланди. Сиёсатдаги энг катта ўзгариш шу бўлдики, халққа суяниш юксак маънавий мезонга, тарихий масъулиятга айланди.

Бир пайтлар фуқаро прописка деган маммурий девор ортида яшар, ҳужжатсизлик уни давлатга бегона қилар эди. Энди эса прописка чекловлари бекор қилинди, ID-карта орқали барча маълумотлар шафроф ва ягона тизимга тушди. Рақамлаштириш инсонга давлатнинг юзи эмас, юраги билан мурожаат этиш имконини яратди. Энг муҳими одамлар ўз юрагига эркинликини ҳис қила бошлади. Ёки уй-жой сиёсатини кўрайлик. Эндилиқда бу мақсад шахсий ташаббус эмас, давлат сиёсати даражасига кўтарилди. 2017 — 2025 йилнинг мос даврига нисбатан 500 мингга яқин уй-жойлар барпо этилди. “Ёшлар ипотекаси”, “Аёллар учун уй”, “Ижтимоий уйлар” каби дастурлар орқали юз минглаб оилалар шахсий бошлангли бўлди. Ипотека шартлари енгиллаштирилди. Энди уй-жой фақат девор эмас, халқ учун давлат меҳри билан қурилган бошлана сифатида қадрланмоқда.

Ҳақиқий давлат сиёсатининг яна бир мезони иш бермасдан, меҳнат қилиш учун имконият яратишдир. 2025 йилнинг мос даврига нисбатан иш билан банд аҳоли сони 6 миллионга яқинлашди. Кишлоқ ҳўжалиги, хизмат кўрсатиш, саноат, қурилиш — барча соҳада иш ўринлари кенгайди. Давлат фаол фуқаронинг асосий таянчига айланди.

“Бугун жонажон янги Ўзбекистонда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаро борки, халқ билан давлат ўртасидаги масофа қисқарганини сезмай иложи йўқ. Мамлакат етакчиси бошлаган ислохотлар ва ташаббуслар натижасида халқ нафақат тингланди, балки унга инсон қаdри призмаси асосида ёндашишлик қатъий белгиланди. Сиёсатдаги энг катта ўзгариш шу бўлдики, халққа суяниш юксак маънавий мезонга, тарихий масъулиятга айланди.”

Ёки маҳалланинг фуқарога яқинлашиши, психолог ва ижтимоий маслаҳатчилар билан тўлдирилиши, манзил ёнчиларнинг шу ернинг ўзида топилаётгани, бу маҳалла институтининг ҳақиқий трансформациясидир. Энди маҳалла фақат ижтимоий тузилма эмас, балки халқнинг огригини биринчи эшитидагидан, юрагини биринчи ҳис қилдидагидан тизимга айланмоқда.

Сўнгги йилларда маҳалланинг тузилмавий-ташқилий асослари ҳам тубдан янгиланди. Президент ташаббуси билан “маҳалла еттилиги” тизими жорий этилди. Бу — муаммонинг юзига келишдан аввал ҳал этишнинг замонавий институционал модели эмасми?!

Эндилиқда маҳалла раиси сайлов орқали беш йиллик муддатга сайланадиган бўлди. Бу демократик ёндашув маҳаллада жавобгарликини оширди, раисларнинг масъулиятни ҳис этиши ва халқ ишончига муносиб бўлишига интилишини кучайтирди.

Шунингдек, маҳалла ўз бюджетига эга бўлди. “Маҳалла бюджети” орқали жамоатчилик иштирокида маблағлар йўналтирилиши, маҳалланинг устувор масалалари ҳал қилиниши халқни давлат маблағлари тақсимиотига ҳам жавобгар этиб қўйди.

Инсон юрагига кирган ислохотлар: Мақсад халқ юрагига етиб бориш бўлса, амалга оширилган ислохотлар ҳам халқ тилида, халқ dardида гапирилиши керак. Ана шундай ислохотлардан бири таълимда устозга берилган давлат қафолатидир. Илк бор педагогнинг қаdри қонун билан белгиланб берилди. “Педагогнинг мақоми тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниб, ўқитувчига бўлган муносабат миллий сиёсат даражасига кўтарилиди. Устоз энди фақат дарс берувчи эмас, балки миллатни тарбияловчи муқаддас шахс сифатида эътироф этилди.

Тиббиётда аҳолига яқинлашган хизмат, оналар ва болалар саломатлигига қаратилаётган устувор эътибор, профилаттика марказларининг кенгайиши инсон ҳаёти қаdрига бўлган муносабатнинг амалдаги ифодасидир. Янги шифохоналар, дори-дармон таъминотидаги яхшиланишлар, оилавий шифокор амалиётининг жорий этилиши соғлиқни сақлашни халқ дарвозасигача олиб келди.

Фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида ҳам туб ўзгаришлар кузатилди. Нодавлат нотижорат ташкилотлари учун яратилган ҳуқуқий майдон, журналистлар эркинлигига бўлган қафолатлар, жамоатчилик назоратини кенгайтириш, буларнинг барчаси халқ овозини қарор даражасигача олиб чиқишга хизмат қилмоқда. Халқ эндиликда томошабин эмас, давлат бошқарувида иштирок этувчи ҳақиқий субъектга айланди.

Кўриниб турибдики, янги Ўзбекистонда халқ етакчиси фақат давлат раҳбари эмас, у халқ умидига масъул шахс сифатида намоён бўлмоқда. Маҳалла, оила, таълим, суд, иш, бошлана буларнинг барчасидаги ўзгаришларнинг марказида инсон турибди. Ва бу инсон — халқ. Бу халқ умид билан етакчисини кузатиб турган, ўз ҳаётида янгиланишини ҳис қилаётган инсонлардир.

Бу далиллардан хулоса шуки, етакчи ислохотларни халқ учун қилмоқда, биз эса сукутдамыз. Етакчи ҳар бир ўсиб келаётган ёш авлод, ҳар бир оила, ҳар бир умид учун фидокорлик кўрсатмоқда, биз эса бу жасоратнинг қийматини англашга шошилмаяпмиз.

Минг афсуслар бўлсинки, **сукутига ўралган миллатни** тарих кечирмайди. Чунки сукут ҳаммаша ҳам розилик белгиси эмас, балки адолатга нисбатан лоқайдил, ҳақиқатга нисбатан безътиборлик нишонаси ҳамдир.

Келажақдаги афсус ва надоматдан бизни фақатгина бир нарсa сақлаб қолади, бу ҳам бўлса **ҳақиқатни вақтда англаш**.

Сиёсий етакчилик эмас, маънавий раҳнамолик

Етакчилик бу шунчаки лавозим эмас. Бу миллат қалбидаги юкни юрагига ҳис қила олиш, халқ dardини фақат эшитиш эмас, уни юз-кўзида кўра билиш масъулиятидир. Сиёсий етакчилик фармонлар, қарорлар, баёнотлар билан ўлчанади, маънавий раҳнамолик эса элнинг кўнглида тутган ўрни, сукутда айтилган сўзлари, халқ муҳаббатининг юракдан чиққан ифодаси билан.

Бугун бизда шундай етакчи бор. У худудларга ҳар бир таширфи чоғида протокол деворини бузади. У тайёрланган расмий йўналишни эмас, қалби етаклаган йўлни танлайди. Бу борада қўл остидагилар бир неча ой тайёрланган сценарийни кутса, етакчи эса, қалб кўзи етаклаган томон юради. Кўп қаватли уйлاردан бирининг тўрттинчи қаватига лифтсиз кўтарилади, эшик очилади, вақтсиз меҳмон, лекин эл учун тинимсиз меҳнат қилувчи етакчи табассум билан сўрайди:

— Қандай яшаяпсиз? Аҳволингиз қандай? Бирор ёрдам керак эмасми?

Бу сўзлар ҳокимият манбасидан эмас, етакчининг юрак бағридан чиққан сўзлардир. Бу фармон эмас, балки халқ dardини юракдан сўраш фазилатидир. Раҳбарлар шу регламентини кузатар экансиз, бундай чин инсоний фазилат ва хусусиятларга эга етакчини учратиш мушкул эканини англайсиз.

Қайси халққа Аллоҳ шундай хислатли етакчини берибди, у халқ бошига бахт қуши қўнибди. Бу ҳолатда виждон қарзи шукроналик, ҳаётдан рози бўлишлик ва шундай етакчини қадрлаш, асраш ва атрофида жипс бўлишлик билан адо этилади десак, адолатдан бўлади.

Етакчини англай бошлар экансиз, унинг ҳар бир таширфи рўйхатдан



эмас, халқ эҳтиёжидан келиб чиқиб шакллантирилишига гувоҳ бўласиз. Қарангки, шундай таширфларнинг бирида бир кишлоқда аза очилган хонадонга кириб, Қуръон тиловати ила оҳавол сўрайди. Бу суҳбат шунчаки одоб эмас, бу аслида халқнинг огригига ҳамдардлик кўз ёшидир. Унинг сўзларида сиёсий таъриф эмас, юракдан чиққан нидо бор:

— Ҳар кунимизда азон овозлари янграб турса, ҳаётимизда фaйз бўлади. Чунки у билади: азон — қалбдаги шукроналик рамзи, виждоннинг тириклиги белгисидир. Масжидлар кўпайиши бино кўпайиши эмас, инсон қалбнинг маънавий маскани бўлиши, эътиқод эркинлигининг ҳаётга айланиши демaқдир. Шу сабаб бугун масжидлар сони қанча эканлиги ҳақиқдаги рақамлар эмас, уларда янграётган дуолар муҳимдир.

Азиз ватандошлар, жaхон тарихи шундан гувоҳлик бермоқдаки, ҳар қандай жамиятдаги катта-катта инқилобий ўзгаришлар фармондан эмас, тафаккурдан бошланар экан. Шу сабабдан ҳам етакчи бугун халқ онгу шуурини уйғотишни асосий мақсад қилиб олгани бежизмасдир. Чунки у жамиятнинг қонун билан эмас, гоя билан форматляпти.

Етакчи дарс бермайди, балки ибрат кўрсатади. Унинг ҳар бир қадаминда халқ, ҳар бир қарашидa эл тақдир, ҳар бир сўзида келажақ учун масъулият мўжассам. Ва шунинг учун ҳам у сиёсий етакчи эмас, у миллатнинг маънавий раҳнамосидир. Фақат биз буни англамаяпмиз.

Халқ етакчисини ҳимоя қилиш — бу миллатни ҳимоя қилишдир

Дўстлар, халқ етакчиси ҳақида сукут сақлаш бу сукут хисобланмайди, бу безътиборликнинг ёрқин намунасидир. Аслида, ҳақиқий етакчи ўзини ҳимоя қилишни сўрамайди. У халқини ҳимоя қилади. Лекин тарих шундан дарак берадики, эл ўз етакчисини ҳимоя қилмаган жамиятда ҳеч бир миллат ўз буюк сиймосини абадий сақлаб қололган эмас.

Буни тарихдаги мисоллардан ҳам кўриш мумкин. Масалан, Шарқ тарихида — Хоразмшоҳ Аловуддин Мўхаммад II юртига тaшқи таҳдидлар яқинлашиб келаётган бир пайтда, халқ ўз етакчисини англамади, унинг атрофида жипслашмади. Мўғуллар босқини қаршисида жипслик ўрнига парокандалик авж олди. Етакчи ёлғиз қолди. Шу боис етакчида подшоҳлик, балки юрт муқотилиғи, халқнинг ҳаридарида эрк ифодаси ҳам мағлуб бўлди. Ваҳоланки, агар халқ ва етакчи бир тану бир жон бўлганида, тарих бошқача йўналиш олиши мумкин эди.

Қадимги Римда эса буюк ҳарбий ва сиёсий етакчи Гай Юлий Цезарь халққа ислохотлар орқали адолат ва барқарорлик олиб киришга ҳаракат қилган эди. Аммо унинг етакчилигини етарлича қадрламаган ва ҳимоя қилмаган жамият раҳнамосини ўғитиздан зиёд сенаторларнинг пичоғи остида йўқотди. Цезарь ўлдирилганидан сўнг Рим Республикаси пароканда бўлди, фуқаролар уруши бошланди ва демократия тугади. Яъни етакчини ҳимоя қилмаган халқ ўзини ҳимоя қилишдан маҳрум бўлди.

Бу тарихий мисоллар шундан далолат берадики: халқ етакчисини англамаса, йўқотади. Асрамаса, мағлубиятнинг кўради. Етакчини англаш ва асраш фалсафаси халқнинг ўз келажагини, ўз тақдирини асраши демaқдир.

Шундай экан, халқ етакчисини ҳимоя қилиш, шахсини эмас, миллатни, миллий гоғни, келажақни ҳимоя қилиш деб тушунилмоғи, тaлқин этилмоғи лозим. Зеро, миллат учун эл-юртини ҳар қуни ёритиб турган маънавий чироқни асраш фуқаролик бурчимиздир.

Дунё манзарасига қарайлик, бугун ҳамжамият Ўзбекистон етакчисини юксак эътироф билан тан оляпти. **Янги Ўзбекистон етакчисини** бутун жaхон эътиятпи, ўз бағрини очаяпти, шараф

лаяпти. Ҳатто қўшни давлатлар раҳбарлари фаолияти, шижоатига тан бериб, фуқаролари ҳавас билан қарашаётгани бу бизнинг баҳтимиз эмасми? Ва энди буни биз ҳам, бутун жамият ҳам теран англаб, **“бизнинг етакчимиз — бизнинг ифтихоримиз”** деб нидо урадиган пайт келганини англашимиз керак. Қарангки, кучли Ғарб давлатлари ҳатто ўзи танлаган раҳбарларига муносиб кўрмаган орденларни бизнинг етакчимиз кўксига тақайпти. Бу дипломатик эҳтиром эмас, бу халқ учун жон фидо қилган етакчига берилган жaхон афкор оммасининг элга қаратган юксак ишончидир.

Модомки, дунё уни ардоқлаётган экан, бас, бу бизга баҳо бўлиб қолмасин. Модомки, улар хурсанд экан, демaк, биз фахрланишда намуна бўлмоғимиз лозим. Чунки у киши бошқалар ҳавас қилиб қарайтган халқпарвар етакчи. Ва агар биз сукут қилсак, унга нисбатан танқидларни жавобсиз қолдирсак, у зулматда ёлғиз қолмас, лекин биз адолатдан юз ўғирган бўлиб қолмаймизми?!

Баралла айтишимиз лозим, халқ ўз етакчисини ҳимоя қилиши, бу Ватанини ҳимоя қилиш эканини англаш фурсати келди. Чунки етакчи — давлат рамзи, у миллат юрагига айланганда унинг обрўсини ҳимоя қилиш бугунги куннинг энг муқаддас вазифасига айланади ва шундай бўлади ҳам.

Халқ етакчиси айни вақтда янги Ўзбекистон бунёдкори ҳамдир. Бу мақомлар шунчаки таъриф хисобланмайди, балки 2016 йилдан бери кечаётган жадал ислохотлар, эл огирини елкасида кўтариш, ҳар бир қарорда халқ манфаатини биринчи ўринга қўйиш амалиёти билан мустаҳкамланган тимсолдир.

Ушбу мақоладаги ҳар бир сатр эл муҳаббатини билан битилди. Бу улуғлаш учун эмас, англаш учун, севиш учун эмас, ҳис қилиш учун, ҳақиқатни излаш учун эмас, уни тан олиш учун.

Унутмайлик, миллат бугун яшаётганини англаса, унинг эртаси тарих бўлиб ёзилади. Шунинг учун ҳам бугунги ҳаётни, унинг пойдеворидa турган етакчини таниётган халқ эртанги келажагини ҳимоя қилган халқ сифатида қолади. Ва агар биз ўз етакчимизни ҳимоя қилмасак, нафақат шахс, балки Янги Ўзбекистон гоғяси ҳам ҳимоясиз қолади.

Дўстим, энди сукут қилмаслик вақти келди. Қалам сўзга айлансин, сўз эса ҳақиқатга. Янги Ўзбекистонни суяб турган устунга бўлган муҳаббат бугун миллатнинг имтиҳони масаласидир.

Тарих қайд этади, лекин халқ қалби унутмаслиги керак

Бугун у инсон бизнинг ёнимизда. Эртага у ҳақида китоблар ёзилади. Келажақ авлодлар унинг жасоратини ўқиб, улуғлаши мумкин. Лекин биз бугун ёзмасак, бугун гапирмасак, бугун ан

ЖАМИЯТ КЕЛАЖАГИНИ БЕЛГИЛАЙДИГАН ТАШАББУСЛАР

Ёшлар — мамлакатнинг энг катта бойлиги, бебаҳо хазинаси. Улар соғлом, кучли ва билимли бўлсагина давлатнинг фаровон келажагига замин яратилади. Бунинг учун, аввало, таълим сифатини узлуксиз такомиллаштириб бориш зарур. Зеро, таълимда кечикиш кечириб бўлмайдиغان хатодир.

Нуктаи назар

Шу йилнинг 15 май куни Президентимиз раислигида ўтказилган мактаб таълими тизимидаги ислохотлар самарадорлигини янада ошириш бўйича устувор вазифалар муҳофазаси юзасидан видеоселектор йиғилишида янги Ўзбекистонда олиб борилаётган тарихий ислохотларнинг дубонаси сифатида мактаб таълими тизимидаги ишлар таҳлил этилиб, навбатдаги устувор вазифаларни белгилаш кун тартибидagi асосий масала бўлди. Жумладан, мактаб ўқитувчилари янги, замонавий методларни пухта ўзлаштириши ва ўқувчиларга сифатли таълим бериши, бунинг учун педагогика йўналишидаги олий таълим сифатини янада ошириш кераклиги айтилди. Бу борада зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Шу ўринда айтиш жоизки, Фаргона давлат университетида педагогика йўналишларида таълим сифатини юксалтириш ва хорижий тажрибани кенг татбиқ этиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилган. Хусусан, ўтган йилда барча қўлайликка эга 1 200 ўринли замонавий ўқув биноси қурилиб, педагогика-психология ва санъатшунослик факультети талабалари учун туҳфа қилинди.

30 мингдан зиёд талабаларни ўз бағрига жойлаган мазкур олий таълим даргоҳи бугун илм-фаннинг барча йўналишида, шунингдек, бир қатор спорт турлари бўйича юқори кўрсаткичларни қайд этётгани нафақат республика, балки жаҳоннинг кўпгина нуфузли университетлари томонидан ҳам эътироф қилинмоқда.

Сўнгги йилларда университет дунёнинг нуфузли рейтингларида



яҳши натижалар билан танилаётгани ҳам таълим соҳасидаги ислохотлар, қолаверса, олийгоҳ жамоасининг меҳнати натижасидир. Жумладан, Австралиядан "UniRank" рейтинг платформасида маҳаллий микёсда 23-ўринни, Грузиянинг халқаро университётлар рейтинг ташкилоти — "Round University Ranking" рейтингига ўқитиш индикатори бўйича 883-ўринни эгаллаган таълим даргоҳи Канаданинг Халқаро ютуқлар тадқиқот маркази — "IARC" рейтингига "Иил университети — 2023" халқаро танлови қолиб бўлди. Индонезиянинг "Ul Green Metric World University Ranking" халқаро рейтингига барқарор ривожланаётган университет сифатида дунё олийгоҳлари ичида 738-ўринни, Туркиянинг "HE" — "Higher Education" халқаро рейтингига эса 3-ўринни эгаллади.

Мазкур ютуқлар факатгина дебоҳа ҳолос. Бундай улкан шароитлар даврида университет жаҳоннинг энг кучли, энг нуфузли олийгоҳлари қаторига кириш учун, албатта, ривожланишдан тўхтамайди.

Видеоселектор йиғилишида давлат раҳбари ёшларни нуфузли хорижий университетларда ўқитиш

масаласига алоҳида тўхталди. Фарзандларимиз жуда иқтидорли экани, факат уларни тўғри йўналтириб, мақсадли тайёрлаш зарурлиги таъкидланди. Шу мақсадда "Президент иқтидорли фарзандлари" миллий дастури бошланади, Ал-Беруний номидаги халқаро мактаб-интернати ташкил этилади. Унга 8-синф битирувчиларидан 60 нафари саралаб олинчи, рейтингни юқори олийгоҳларга мақсадли тайёрланади.

Йиғилишда хусусий олийгоҳлар фаолияти ҳам таҳлил этилди. Хусусий ОТМда педагогика йўналиши бўйича ўқиётган талабаларнинг 70 фоизи мактабгача ва бошланғич таълим ҳамда филология бўйича тайёрланмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Таълим жамиятининг устуни, олийгоҳлар эса мана шу устунининг жон қувватидир. Наҳот илмида, шу боис таълимни бугун ривожлантирмасак, томиримиздаги даҳолар қонини қўзғотмасак, кўксимиздаги миллий гурурни уйғотмасак эртанги авлодлар бизни асло кечирмайди.

Президентимизнинг тегишли қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда иқтидорли мактаб битирувчиларига муддатидан олдин талаба бўлиш имкониятини бериш мақсадида Фаргона давлат университетида ҳар йили физика, информатика, кимё, биология фанларидан университет олимпиадаси ўтказилиб келинмоқда.

Жорий йилги олимпиадада шаҳар ва туманлардаги мактаблардан 1,5 мингга яқин ўқувчилар иштирок этди. Сўнгги босқичда қолиб бўлган 12 нафар ўқувчи муддатидан олдин университет талабалигига муносиб деб топилди. Шунингдек, мазкур олимпиада университетнинг 4-босқич талабалари ўртасида ҳам ўтказилади ва республикада ўрин эгаллаган талабалар магистратура йўналишига кириш имкониятига эга бўлади.

Битирувчи талабаларни иш билан таъминлаш борасида ҳам алоҳида тadbирлар олиб боришмоқда. Масалан, университетда уюштирилаётган "Карьера куни" тadbирларини айтиш мумкин. Май ойида бўлиб ўтган маз-

кур тadbирда 60 га яқин ташкилот ва муассасалар қатнашиб, минглаб талабалар иш билан таъминланди. Мактаб битирувчилари учун ташкил этилган "Очиқ эшиклар куни"да Фаргона вилоятидаги мактабларнинг битирувчи ўқувчилари ўзлари истagan соҳа бўйича факультет ва кафедралар ҳақида батафсил маълумотларга эга бўлишди. Бундай тadbирлар ёшларимизни ўз олдига қатъий мақсад қўйиши ва астойдил билим олишлари учун катта туртки бўлади.

Таълим тизимида сонга эмас, сифатга эътибор берилиши, яъни фанлар сони 20 тадан 15 тага, таълим йўналишлари эса 31 тадан 17 тага туширилиши, ўқув юкламаси 20 фоизга қисқартирилиши ва яна бир катта имконият сифатида педагогика олийгоҳларининг хорижий тил сертификати бор ўқитувчилари Буюк Британия, Германия ва Сингапур каби давлатларда малака оширишга юборилиши бу борадаги яна бир самарали қадам бўлади, дейиш мумкин. Бундан ташқари, мактаблардаги 17 та фаннинг ҳар бири бўйича алоҳида таянч мактаблар ташкил қилинади. Ҳар бир таянч мактабнинг 1 нафар ўқитувчиси малака ошириш марказида ўз йўналишида халқаро дастурлар асосида чуқур тайёрланади ва уларга тренер мақоми берилади. Ушбу тренерлар ўзларига бириктирилган ҳудуддаги 25 нафар етакчи ўқитувчини ўқитади, етакчи

Эътиборлиси, бундай ташаббуслар Ўзбекистон таълим соҳасида янги даврни бошлаб бермоқда. Ушбу ислохотлар ёш авлодга чуқур билим бериш, уларнинг истеъдодини ривожлантириш ва келажақда мамлакат тараққиётига муносиб ҳисса қўишига қаратилгани билан янада аҳамиятлидир. Яна битта далил: жорий йилда янги мактаблар қуриш мақсадида Ислom тараққиёт банкидан 200 миллион доллар жалб этилди. Бунинг эъзизига 58 та мактаб қурилиб, 72 мингга ўқувчи ўрни яратилади. Бу маблағлар Ўзбекистоннинг таълим инфратузилмасини янада яхшилашга хизмат қилади. Мазкур жараён шунчаки ўқув дастурларини янгилаш ёки биноларни таъмирлашдан иборат эмас, балки жамиятнинг келажагини белгилайдиган муҳим инвестициядир. Яхшиланган мактаб таълими тизими билимли, креатив ва танқидий фикрлайдиган ёшларни тарбиялайди. Бу эса мамлакат пойдевори қанчалик мустаҳкам қурилаётганини билдиради.

Баҳодиржон ШЕРМУХАММАДОВ,
Фаргона давлат университети ректори, профессор.



Дзюдочиларимиз Осиё кубогида биринчи

Пойтахтимизда бўлиб ўтган дзюдо бўйича ўсмирлар ва ёшлар ўртасидаги Осиё кубоги қолиблари аниқланди.



Саккиз мамлакатдан вакиллар ташриф буюрган ушбу мусобақада ўсмирлар ўртасидаги беллашувлар якунига кўра Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари 10 тадан олтин ва кумуш ҳамда 18 та бронза медалларни жамғариб, умумжамоа ҳисобида биринчи бўлди.

Шунингдек, "U20" терма жамоамиз ҳам ушбу беллашувларда муносиб иштирок этиб, 9 тадан олтин ва кумуш ҳамда 14 та бронза медалларга сазовор бўлиб, умумжамоа ҳисобида қолиблик шохсупасини эгаллади.

Синхрон сузувчиларимиз муваффақияти

Минск шаҳрида синхрон сузиш бўйича ўтказилган нуфузли турнирда ўзбекистонлик спортчилар совриндорлар қаторидан жой олди.

Беларусь очик чемпионати мақомида ўтказилган турнирда мезбонлардан ташқари Россия ва Қозоғистоннинг маҳоратли спортчилари қаторида юртимиз вакиллари тегишли йўналишларда қолиблик учун курашди.

Қизикarli кечган баҳслар якунида мамлакатимиз синхрон сузувчилари мусобақанинг учта дастурида бронза медалларига сазовор бўлди. Совринли ўринларни қўлга киритишда маҳоратли спортчиларимиз Дарья Кочнева ва Елизавета Касаткина галабага бўлган кучли иродасини намойиш этди.

Иқтидорлар учун замонавий футбол академияси

Юртимизда спорт соҳасини ривожлантириш, ёш авлодни жисмонан соғлом ва маънан етук қилиб тарбиялаш мақсадида амалга оширилаётган ислохотлар доирасида яна бир муҳим қадам қўйилди.



Бугун Наманганда замонавий Футбол академияси тантанали равишда фойдаланишга топширилди. Муассасани қуриш учун 12 млрд. 500 млн. сўмдан ортқ маблағ йўналтирилиб, 154 ўринли замонавий ётоқхона ва барча шароитга эга ошхона барпо этилди.

Айни пайтда академияда 154 нафар ёш футболчи мунтазам машғулот олиб бормоқда. Бу замонавий база ёш иқтидорларни кашф қилиш, уларни миллий ва халқаро майдонларга тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистондаги Ислom цивилизацияси маркази жамоаси таниқли олим ва жамоат арбоби **Зафар ҲАКИМОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тadbир БАТАН МАНЗУМАСИ

Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида "Ватан манзумаси" деб номланган маънавий-маърифий дастур намойиш этилди. Юртимизнинг барча ҳудудида томошабинлар ҳужмига ҳавола қилинадиган ушбу дастурда янги Ўзбекистон армиясининг ҳаётимизда тутган ўрни маъх этилади.

Ҳарбий оркестр ва миллий чолғу асбоблари ансамбли оҳанглари остида Ватан туйғуси, она юрт химояси улуғланидиган жанговар қўшиқлар, публицистик шеърлар томошабинларда ажиб завқ уйғотди.

Янги Ўзбекистон армиясининг қудратли кучи, халқ ичидан етишиб чиққан полковларимизнинг енгилмас иродаси турли бадийий композициялар орқали сахнада фодасини топди. Юксак артистизм ва ижрочилик маҳоратига асосланган бу томоша залга тўлланганлар қалбида Ватанга муҳаббат, эришилган ютуқлардан гурур туйғуларини уйғотди.

Ушбу маънавий-маърифий тadbир Ўзбекистон Республикаси Маданият ва Мудофиа вазирликлари, Ёзувчилар уюшмаси ҳамда қатор давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигидаги саъй-ҳаракат мевасидир.

Тантанали тadbирда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Хайриддин Султонов иштирок этди.

«Халқ сўзи».

ЁШЛАРГА ҚАНОТ БЎЛАЁТГАН МАСКАН



Битирувчи — 2025

Анжуман аввалида Ўзбекистон Республикаси Давлат маҳияси янгради. Ички ишлар вазирлиги масъул ходими Президентимизнинг мактаб битирувчиларига йўналган табригини ўқиб эшиттирд. Шундан сўнг мактаб-интернат директори тadbирини очиб, иштирокчиларни қутла-

ди, бугунги куннинг аҳамияти ва ёшларга билдирилаётган ишонч, улкан масъулият ҳақида тўхталди.

Битирув маросимида ўқувчилар ҳам сўзга чиқиб, таълим-тарбия берган устозлари, ота-оналари ишончларини оқлашга, юрт равнақига ҳисса қўша оладиган, Ватанга ва халққа садоқат билан хизмат қиладиган авлод бўлишга ваъда беришди.

Тadbир давомида бадий

Куни кеча мамлакатимиз умумтаълим мактабларида сўнгги кўнгирак садолари жаранглаб, битирувчилар катта ҳаётга йўл олди. Пойтахтимиздаги Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ихтисослаштирилган мактаб-интернатида ҳам "Илм — энг буюк шараф" шиори остида "Сўнгги кўнгирак" тadbiri бўлиб ўтди. Унда таълим даргоҳининг ўқитувчи-мураббийлари, битирувчиларнинг ота-оналари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

чиқишлар намойиш этилди, илм-маърифат, ватанпарварлик ва фойдoилик руҳидаги шеър ва қўшиқлар янгради.

Айтиш жоизки, мазкур ихтисослаштирилган мактаб-интернат Вазирилар Мақма-сининг 2018 йил 19 июндаги "Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ихтисослаштирилган мактаб-интернати фаолиятини ташкил этиш чора-тadbирлари тўрисида"ги қарорига асосан очилган. Таълим даргоҳи жойлашган бино 1974 йилда қурилган бўлиб, 2017 йилга

қадар Ўзбекистон давлат жахон тиллари университети қошидаги 1-академик лицей тасарруфида бўлган. Бундан олти йил муқаддам эса тўлиқ капитал таъмирдан чиқарилди ва мактаб-интернат ихтиёрига берилди.

Таълим муассасасига ҳар йили 100 нафар ўқувчи қабул қилинади ва ўқиш 5-синфдан 9-синфгача — беш йил давом этади. Мактабда ҳозир 320 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда.

Мактаб-интернатни ҳар йили истеъдодли, билимга чанқоқ ва ўзига талабчан

ўқувчилар муваффақиятли тамомлаб олий ўқув юрлари сари отланмоқда. Хусусан, жорий ўқув йилида 49 нафар битирувчининг 39 нафари инглиз тилини билиш даражаси бўйича, 10 нафари эса "Бир миллион дастурчи" лойиҳаси бўйича миллий сертификатларни қўлга киритди, 1 нафар ўқувчи эса Халқаро ИМАС олимпиадасининг бронза медаль соҳиб бўлди.

«Халқ сўзи».

ИШОНЧНИ ОҚЛАШ МАСЪУЛИЯТИ

Куни кеча мамлакатимиздаги 10 мингдан зиёд умумтаълим мактабларида "Илм — энг буюк шараф" шиори остида "Сўнгги кўнгирак" тadbiri бўлиб ўтди. Бу йил 450 минг нафардан ортқ битирувчилар жонахон мактаблари билан хайрлашиб, мустақил ҳаёт сари қадам ташлашди.

Қуйида баён қилинган ҳамюртларимиз фикрлари ҳам айнан шу ҳақда.

Дил сўзи

Темур САМАНДАРОВ,
Қўшқўр туманидаги
25-умумтаълим мактаби
битирувчиси:

— Президентимиз табригидаги "Бугунги кунда биз ўз олдимизга қўётган буюк мақсадларни амалга оширишда бутун халқимиз қатори, билимли, ҳунарли, тadbиркор ва ватанпарвар, ҳар томонлама етук ёшларимизга таянамиз" деган сўзлари айнан бизга қарата айтилганини ҳис этдим. Чунки мен ва менга ўшаган илмга чанқоқ, иқтидорли, элу юртимизга чин дилдан хизмат қиламан деган ёшлар тенгқурларим орасида талайгина.

Бугун уларнинг нияти битта — олий таълим муассасасига ўқишга кириш, ҳаётда ўз йўлини топиш ва ота-онаси, ақинлари билдирган ишончини оқлаш. Улар буни урда-лашга ишонаман, чунки мактабда олган билим ва тарбиямиз бунга асос бўла олади.

Шахсан ўзим ҳам "аъло" баҳолар билан мактабни тугатдим, азиз устозларим, ота-онамнинг кўмаги билан билимимни оширдим, истеъдодимни ривожлантирдим.

Келажақда янада ўқиб-ўрганиб, худди ўзимнинг азиз устозларим каби билимдон ва меҳрибон ўқитув-

чи бўлишга, Юртошимиз ҳамда ақинларим билдирган ишончини оқлашга ҳаракат қиламан.

Ойбардин АБДУЛЛАЕВА,
Миробод туманидаги
328-умумтаълим
мактаби битирувчисининг
онаси:

— Биласизми, аслида бир ота-онага жондан азиз фарзанди қамолди, унинг улғайиб катта ҳаётга қадам ташлашини кўришдан зиёдрок бахт йўқ.

Ҳа, мен бугун ана шундай бахтиёр оналар сафидаман. Азиз фарзандим мактабни "аъло" баҳоларга тугатиб, юрагида улкан режа ва орзулар билан ҳаётга кириб келмоқда. Ушбу шуқули кунда ҳаёлимдан "Эҳ, қизим бирпасда улғайиб қолибди, кечанига эмасмиди, 1-синфга етаклаб келганим, кўз очиб юмгунча мактабни тамомламоқда" деган ўй кечди.

Очили, фарзандларимни албатта

ўқитаман, олий маълумотли қиламан деган мақсад билан яшадим. Минг шукр, қизим мактабни тугатиб улгур-масданок нуфузли университет талабасига айланди. Билдирилган ишонч оқланди ва келажақда ҳам оқланажак, албатта.

Шундай шуқули кунда Юртошимиз табрик йўллагани, ёшларга улкан ишонч билдирганидан жуда хурсанд бўлдим. Айниқса, табриқдаги "Сизлардек ўз кучига ишонган, қатъиятли ёшлардан қадрдон мактабингиз, азиз устозларингиз ва ота-оналарингиз, бутун халқимиз факат эзгу ишлар ва ёрқин натижалар кутади" деган сўзлар қалбимизни тўлқинлантириб юборди.

Истардимки, барча ота-оналарга фарзанди бахту саодатини кўриш, унинг ютуқларидан фахрланиб юриш насиб қилсин.

Раҳматжон БОБОЖОНОВ
(«Халқ сўзи») ёзиб олди.

28 май — 4 июнь кунлари пойтахтимизда Абу Райхон Беруний номидаги Халқаро кимё олимпиадаси ўтказилади.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 542. 13 297 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғоқ бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетани ҳақиқатий маълумотларни оқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; қопилхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.



Тахририятга келган қўлёзмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг сўзаси берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмаҳона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислom Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.
Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.00 Топширилди — 01.00 1 2 3 4 5 6